ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖАЛИЛОВ АНВАР АБДУГАФАРОВИЧ

ТАРКИБИДА СИНТЕТИК ТОЛАЛАР МАВЖУД КЎП ҚАТЛАМЛИ ҚОҒОЗ ВА КАРТОННИНГ БОСМА ХОССАЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК 676.22.036.017.72

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам
Cotents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Джалилов Анвар Абдугафарович
Таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картонинг босма хоссалари 3

Джалилов Анвар Абдугафарович
Печатные свойства многослойной бумаги и картона, содержащих синтетические волокна 23

Djalilov Anvar Abdugafarovich
Printing properties of multilayer paper and cardboard, containing synthetic fibers 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 46

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖАЛИЛОВ АНВАР АБДУГАФАРОВИЧ

ТАРКИБИДА СИНТЕТИК ТОЛАЛАР МАВЖУД КЎП ҚАТЛАМЛИ ҚОҒОЗ ВА КАРТОННИНГ БОСМА ХОССАЛАРИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T736 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ttyesi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ешбаева Улбосин Жамаловна** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бахадиров Ғайрат Атаханович** техника фанлари доктори, профессор
	Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “26” июль соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17; titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (104-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил “13 “ июль куни тарқатилди.
(2021 йил “13“ июлдаги 104-рақамли реестр баённомаси).

И.К.Сабиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Х.А.Бабаханова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда целлюлоза-қоғоз ва картон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энергия ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида йилига 400 млн тоннадан ортиқ қоғоз ва картон ишлаб чиқарилади. 2025 йилга келиб бу миқдор 493 млн тоннага ошиши кутилмоқда. Целлюлозага бўлган талабнинг ўсиши 1,4 фоизни ташкил этиши, қадоқлаш материаллари ва қоғоз истеъмолининг йиллик 2,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. 2030 йилга келиб эса дунёда целлюлоза ва қоғоз маҳсулотларини истеъмол қилишнинг умумий ўсиши 132 млн тоннани ташкил этади. Шу жиҳатдан эҳтиёжни қондиришда маҳсулот ишлаб чиқаришда янги хомашё манбаларини излаш, улар асосида олинган қоғозларнинг босма хоссаларини тадқиқ қилиш ва матбаа соҳасида қўллаш имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда целлюлоза-қоғоз ва матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда рақобатбардош маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий ва табиий хомашёлардан фойдаланиб юқори экологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги турдаги хомашё ва инновацион технологик ечимларни қўллаш, янги турдаги ўрам қоғозларининг сифатини яхшилаш ва хомашё сарфини камайтиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада матбаа соҳасида ўраш-қадоқлаш маҳсулотларига қўйиладиган талабларнинг ортиб бораётганлиги туфайли бундай материалларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, уларнинг хусусиятларини доимий такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий ишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда янги хомашё турларини ишлаб чиқаришга киритиш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш, қадоқлашга мўлжалланган янги қоғоз ва картон турларини ишлаб чиқариш ҳисобига ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...”[1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда ўраш-қадоқлаш маҳсулотлари учун кўп қатламли композицион қоғоз ва картон олиш технологиясини такомиллаштириш, қоғоз матосининг шаклланишидаги жараёнларни ўрганиш, турли толаларнинг ўзаро ва полимерлар билан, шунингдек, босиш жараёнида бўёқлар билан таъсирлашуви қонуниятларини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-№4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 25 августдаги ПҚ-3244-сон «Республикада целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватлар ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2020 йил 16 мартдаги ПҚ-4640-сон «Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Елимланган картон ва қоғоз турларини ишлаб чиқариш назарияси ва технологиясини тадқиқ этиш билан ҳорижда Я.В. Казаков, Н.В. Черная, Вурстер, Джайме, М.П. Кайзер, С.Н. Иванов, A. Penkin, А.В. Вураско, А.Я. Агеев, Н.П. Мидуков, K. Mohamedzadeh-Saghavaz, A. Resalati ва Э.Л. Аким каби олимлар шуғулланишган. Таркибида синтетик толалар мавжуд қоғозлар ва кўп қатламли композицион қоғозларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича тадқиқотлар М.В. Коваленко, Л.Г. Махотина, И.В. Лавров, Д.М. Фляте, Quan Xiao Liu, P.M. Shallhorn каби олимлар ва ихтирочилар томонидан ўтказилган. Уларнинг ишлари ароматик полиамид фенилон ва номекс, полиэфир, полипропилен, гидратцеллюлоза ва поливинилспирт аралашмаси, углерод ва бошқа толалардан турли вазифали қоғозларни олиш соҳасидаги илмий изланишларга бағишланган.

Республикамизда иккиламчи целлюлозали материаллар ва тўқимачилик саноати чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда янги қоғоз турларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Х.А. Алимова, Х.А. Бабаханова, Р.Г. Рахманбердиев, М.Т. Примкулов каби олимлар томонидан бажарилган. Тадқиқотларда табиий ипак чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо қоғоз олиш, бир йиллик ўсимликларнинг толаларидан, маҳаллий дарахтсимон ўсимликлар, топинамбур, қизилмия илдизидан олинадиган целлюлоза асосида қоғоз ишлаб чиқариш бўйича ишлар амалга оширилган.

Бу тадқиқотларда кўп қатламли композицион қоғоз ва картонларни тайёрлашда синтетик толалар чиқиндилари ва иккиламчи толаларни қўшган ҳолда пахта целлюлозасидан фойдаланиш, қоғоз композициясининг унинг физик-механик ва босма-техник хоссаларига таъсири масалалари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-08 «Ўзбекистон Республикасининг целлюлоза-қоғоз ва матбаачилик саноати учун маҳаллий целлюлозанинг турли хилларидан қоғоз

олишни ишлаб чиқиш» (2012-2014) ва ВА-ОТ-А3-05 «Ўзбекистон Республикасининг целлюлоза-қоғоз ва матбаачилик саноати учун иккиламчи толали материаллардан қоғоз олиш технологиясини такомиллаштириш» (2017-2018) мавзулари бўйича амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади матбаа саноатида ўраш-қадоқлаш маҳсулотларини босиш учун таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг босма хоссаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хилдаги кўп қатламли композицион ўрам қоғозлари ва картонларини олиш технологиясини такомиллаштириш;

кўп қатламли ўрам қоғози композициясининг унинг физик-механик хоссаларига таъсири қонуниятини тадқиқ қилиш;

елимлаш учун мўлжалланган синтетик полимерларнинг кўп қатламли композицион ўрам қоғозлари ва картонларининг хоссаларига таъсирини таҳлил қилиш;

турли толаларнинг ўзаро таъсирлашуви ва унинг кўп қатламли композицион ўрам қоғозлари ва картонларининг физик-механик ҳамда босма-техник хоссаларига таъсирини назарий асослаш;

кўп қатламли композицион қоғоз ва картонларда босишда композицион таркиб ва хусусиятларининг босма-техник хоссаларга таъсирини математик моделлаштириш;

кўп қатламли композицион қоғоз ва картонларда тайёрланган босма нусхаларининг градацион ва колориметрик тавсифномаларини ўрганиш ва рангли босма сифатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркиби пахта целлюлозаси, синтетик тола ва иккиламчи толаларнинг турли нисбатларида тайёрланган қоғоз массалари, уларнинг массаларидан олинган кўп қатламли композицион қоғоз ва картон намуналари, шу қоғозларда босилган кўп рангли нусхалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети синтетик полимерлар қўшилган ҳолда кўп қатламли ўрам қоғози ва картонларини олиш, қоғознинг физик-механик ва босма-техник хоссаларини яхшилашнинг структура-механик омили, босма нусхаларнинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кўп қатламли ўрам қоғози ва картонини олиш ва босиш технологик жараёнини амалга ошириш, қоғоз ва картонларнинг физик-механик ва босма-техник хоссаларини синаш, ИҚ-спектроскопия, микроскопия, бўёқ ўтишини аниқлаш, замонавий денситометрия ва спектрофотометрия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп қатламли ўрам турлари учун маҳаллий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қоғоз ва картон олиш технологияси такомиллаштирилган;

кўп қатламли ўрам қоғози ва картони олиш учун иккиламчи полиэтилентерефталатнинг диэтиленгликоль билан алкоголизи асосидаги елимловчи моддалардан фойдаланиб қоғозни мустаҳкамлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

кўп қатламли композицион қоғоз ва картоннинг физик-механик ва босма-техник хусусиятлари ва қоғоз композицияси таркибининг босма нусхалари сифатига боғлиқлик даражаси аниқланган;

қоғоз таркибига киритилган елимловчи моддаларнинг кўп қатламли композицион қоғоз ва картоннинг физик-механик кўрсаткичларига таъсири даражаси аниқланган;

тажрибани математик режалаштириш усулидан фойдаланиб кўп қатламли ўрам қоғози ва картонларида босишда бўёқни қабул қилиш регрессион моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

матбаачилик саноати учун пахта целлюлозаси ва синтетик толалардан фойдаланиб, кўп қатламли композицион ўрам қоғози ва картонларини тайёрлаш технологияси ва қоғоз массасининг рационал композицияси таклиф этилган;

иккиламчи толали материаллар ва полимер елимловчи моддалардан фойдаланиб кўп қатламли ўрам қоғозини тайёрлаш учун композиция таркиби ишлаб чиқилган;

олинган кўп қатламли материалларнинг физик-механик ва босма-техник хоссалари аниқланган;

кўп қатламли қоғоз ва картонда рангли офсет босманинг ранг қамровини ўрганиш асосида улардан матбаада фойдаланиш имкониятлари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган муаммо соҳасида маълум назарий, экспериментал тадқиқотларнинг мослиги, изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтетик полимерлардан фойдаланиб кўп қатламли ўрам қоғозлари ва картонлари композициясинининг ишлаб чиқилганлиги, кўп қатламли ўрам қоғози ва картонларини олиш технологиясининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп қатламли ўрам қоғози ва картонлари турларининг босма-техник хоссаларини ўрганиш ва такомиллаштириш асосида уларни қоғоз ҳамда матбаачилик корхоналарида жорий этилганлиги, қадоқлашда қўлланадиган қоғозлар ассортиментини кенгайтириш бўйича имкониятларнинг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёдан фойдаланиб янги таркибли кўп қатламли композицион қоғоз ва картон тайёрлаш ва босма-техник хоссаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган натижалар асосида:

кўп қатламли қоғоз ва картон олиш бўйича технологик регламент ва такомиллаштирилган технология Global Komsco Daewoo ҚК ва ХС «JUHAL

QALIN QOGOZ» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 06-1575-сон маълумотномаси). Натижада пахта целлюлозаси ва синтетик тола чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи кўп қатламли қоғоз ва картон олишнинг технологик режимлари такомиллаштирилган;

ишлаб чиқилган кўп қатламли композицион қоғоз ва картонлар “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва “Ғ.Ғулом” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 12 апрелдаги 06-1575-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида олинган қадоқлаш материалларида сифат бўйича халқаро талабларга жавоб берувчи рангли нусхалар олишга ва пахта целлюлозасидан тайёрланган қоғозга нисбатан таннархни 45% пасайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, улардан 11 таси чет элда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иккиламчи толали ва полимер материаллардан фойдаланиб кўп қатламли композицион қоғозларни ишлаб чиқариш»** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбааларининг таҳлили келтирилган бўлиб, унда дунё бўйича қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёж, қоғоз массасини ташкил қилувчи яриммаҳсулотлар, кўп қатламли композицион қоғоз ва картонларни ишлаб чиқариш, уларнинг физик-механик ва босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш ва яхшилашга бағишланган кўплаб олимларнинг

илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Бу йўналишда маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда кўп қатламли композицион қоғоз ишлаб чиқариш, уларнинг босма бўёқлари билан ўзаро таъсирлашув механизмлари масалаларига эътибор қаратилган. Қадоқлаш маҳсулотлари учун мўлжалланган кўп қатламли қоғоз ва картонларнинг босма-техник хоссаларини тадқиқ қилиш асосида улардан матбаа саноатида фойдаланиш имкониятларини яратиш вазифалари аниқлаб олинган.

Диссертациянинг **“Кўп қатламли композицион қоғоз ва картонни олиш ва тадқиқ қилиш услублари”** деб номланган иккинчи бобида кўп қатламли композицион қоғоз ва картонларни олишда фойдаланиладиган хомашё ва реагентлар, уларнинг параметрлари, елимловчи модда сифатида ишлатилиши режалаштирилган елимларнинг олиниши ҳамда қоғозларнинг асосий физик-механик ва босма-техник хоссаларини ўрганиш услублари ёритилган.

Кўп қатламли қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун «Global Komsco Daewoo» ҚК да линтдан ажратиб олинган оқартирилган пахта целлюлозаси (ПЦ) дан фойдаланилди.

Қўшимча сифатида «Навоийазот» ОАЖ да ишлаб чиқарилган, модификацияланган нитрон толаси (МПАН) дан фойдаланилди. Елимловчи модда сифатида иккиламчи ПЭТ (ИПЭТ) нинг сувли эритмасидан фойдаланилди. У диэтиленгликоль билан алкоголиз қилиш йўли билан олинган.

Массанинг янчилиш даражаси “Массролле-22,5” қурилмасида аниқланади. Қурилманинг ишлаш принципи тўрда сувсизлантиришда турлича янчилган массаларнинг намликни бериш тезлиги турлича бўлишига асосланади. Целлюлоза толаларининг янчилиш даражаси Шоппер Ринглер (^{0}ШР) янчилиш даражаси билан тавсифланади.

Қоғоз намуналарини тайёрлаш «Rapid» (Германия) фирмасининг варақ қуйиш аппаратида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Кўп қатламли композицион қоғоз ва картон олиш ва уларнинг физик-механик ва босма хоссаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида янги қоғозларнинг олиниши ва физик-механик хоссаларининг тадқиқ қилиниши масалалари ёритиб берилган.


Қоғоз тайёрлашда полимер боғловчи компонент толалар орасидаги боғни таъминлаш ва қоғоз массасининг сувни ушлаб туриш қобилиятини ошириш функцияларини бажаради. Канифоль қўшилган қоғозлар пастроқ даражадаги механик мустаҳкамликка эга бўлади ва канифоль елими акрил эмульсияси ва ИПЭТ нинг ДЭГ билан алкоголизи маҳсулоти эритмаси билан алмаштирилганда намуналарнинг узилиш узунлиги ортади.

Турли тавсифли толалардан тайёрланадиган қоғозлар механик мустаҳкамлигини оширишнинг иккита муқобил варианти мавжуд: елимловчи моддани алмаштириш ва нитрон чиқиндиларига олдиндан ишлов бериш. Турли толаларнинг ўзаро таъсирлашув назарияси ва кўп сонли амалга оширилган тажрибалар шундан далолат берадики, модификацияланган синтетик тола чиқиндиларининг киритилиши ҳам, қоғоз композициясида елимловчи модда

сифатида акрил эмульсияси ва ИПЭТ ва ДЭГ алкоголизи маҳсулотларидан фойдаланиш ҳам механик мустаҳкамликнинг ортишига хизмат қилади.

Қоғоз композициясининг қоғоз ҳосил қилиш хоссалари сезиларли даражада толали масса юзасининг структураси, уларнинг ўлчамлари, бир турлилиги, шунингдек, ҳужайра деворида кимёвий компонентларнинг тақсимланиши ва таркиби каби кўрсаткичлар билан аниқланади. Қоғознинг структураси сифатида унинг таркибий қисмларининг умумийлиги ва улар орасидаги боғларгина эмас, балки варақ юзасининг геометрияси ҳам кўриб чиқилди.

Синтетик полимерлар янчиш жараёнида глобуляр тузилишни ҳосил қилади, улар целлюлозага қўшилганда унинг молекулалараро водород боғларини камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, қоғоз варағи мустаҳкамлигининг камайишига сабаб бўлади. Муаммонинг ечими синтетик полимерлар макромолекуласини модификация қилиб, қутбли функционал гуруҳларни ҳосил қилишдан иборат. Кучли қутбланган гуруҳлар ўзаро ва целлюлоза макромолекулалари билан водород боғларни ҳосил қилади (1-расм). Бу ҳолат қоғоз варағининг мустаҳкамлигини оширади.



1-расм. Пахта целлюлозаси ва модификацияланган синтетик толанинг ўзаро таъсирлашуви

Икки қатламли қоғозда молекулалараро боғлар нафақат қатлам ичида, хатто қатламлараро масофа ҳам таъсир кўрсата олади. Бу ҳолат қатламларнинг ўзаро адгезион таъсирлашув энергиясини оширади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, полимер боғловчи заррасининг оптимал структураси толаларнинг яхши даражадаги қоғоз ҳосил қилиш хоссаларини таъминлайди. Натижада қуюқ тўр ҳосил бўлиб, у толалар ички юзасининг ортишига ва толалараро водород боғлар сонининг кўпайишига олиб келади. Микрофибрилларнинг тўқилиши билан бир вақтда толалар орасида ва толалар ичида кўп сонли фибрилляр боғлар ҳосил бўлади. Синтетик полимерларнинг табиий толалар билан адгезияси механизми толалараро кўп сонли боғларга эга макро ва микрофибриллардан қуюқ хаотик тўрнинг ҳосил бўлишида ўз ифодасини топади.

Намуналарни тайёрлашда целлюлоза материал тепа қатлами учун 40-55 °ШР ва пастки қатлам учун 21-28 °ШР янчилиш даражасигача майдаланди.


Янчилган целлюлозадан массаси 150 g/m^2 (устки қатлам оғирлиги 60 g/m^2, пастки қатлам оғирлиги 90 g/m^2) бўлган қоғоз қуймалари тайёрланди. Уларнинг вариантлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Икки қатламли қуймаларнинг композицион таркиби вариантлари

Вариант №	Композицион таркиб		
	Устки қатлам 40-55 °ШР		Пастки қатлам 21-28 °ШР
	ПЦ, %	МПАН, %	МС-5Б, %
Намуна №1	100	-	100
Намуна №2	80	20	100
Намуна №3	50	50	100
Намуна №4	30	70	100

Кўп қатламли композицион қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун қўшимча тарзда полимерли елимловчи модда билан юзасидан елимлаш жараёни киритилди (2-расм).



2-расм. ПЦ ва МПАН чиқиндилари асосида кўп қатламли қоғоз ва картон ишлаб чиқариш

Қоғоз физик-механик хоссаларининг унинг композициясидаги компонентларнинг табиати ва миқдорига боғлиқлиги ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажрибавий қоғоз ва картонларнинг физик-механик хоссалари

№	Вариантлар / Параметрлар	№1 100/100	№2 80:20/100	№3 50:50/100	№4 30:70/100
1	Масса 1 m^2, g	150	150	150	150
2	Қалинлик, mm	0,24	0,21	0,22	0,25
3	Намлик, %	5,3	5,1	5,5	5,8
4	Силлиқлик, s	40	39	33	22
6	Куллилик, %	5,1	6,4	7,1	7,8
7	Бир томонлама намланишда шимувчанлик (Кобб$_{60}$), g/m^2	148	144	144	145
8	Узилиш узунлиги, m	2235	2220	2201	1902
9	Синишга қаршилиги, и.б.с.	79	75	74	75
10	Ишқаланиб емирилишга қаршилик, kPa	372	365	362	365
11	Чўзилишга қаршилик, mH	270	274	271	274

Олинган маълумотлар (2-жадвал) шуни кўрсатадики, №1 намунада композицияга 100% ПЦ қўшилганда яхши янчилган ва фибрилланган пахта толалари яхши мустаҳкамланишни таъминлади ва бу ҳолат қоғознинг механик хоссаларига таъсир кўрсатди, масалан синишга қаршилиги қиймати 79 и.б.с. ни ташкил қилди, бу ГОСТ 9094 бўйича офсет босма қоғози учун белгиланган меъёрлардан 3,0-3,5 марта юқори, узилиш узунлиги эса 2235 m ни ташкил қилди. №2 ва №3 синов қоғозларининг узилиш узунлиги қийматларини аниқлаш натижалари устки қатлам композицияси массасида 20 дан 50% гача миқдорда МПАН чиқиндиларидан фойдаланиш имконияти мавжудлигини тасдиқлади.

Мазкур ишда нафақат елимловчи модда ва унинг миқдорий нисбати, балки унинг умумий массага фоизли қўшилиш даражаси ҳам тадқиқ қилинди. Шунга боғлиқ ҳолда, 20% МПАН чиқиндилари қўшилган №2 қоғоз намунаси билан тажрибаларнинг иккита серияси амалга оширилди. Бунда бир текис фракцион таркибга эга қоғоз массаси турли хилдаги толалар орасида илакишишнинг мустаҳкамлигини таъминлади. Агар тажрибаларнинг биринчи сериясида елимловчи модда 1,5% миқдорда қўлланилган бўлса, тажрибаларнинг иккинчи сериясида умумий массага нисбатан 2% миқдорда қўшилди.

ИПЭТ ва ДЭГ нинг миқдорий нисбати ва композициядаги елимловчи моддаларнинг фоизли миқдорининг кўп қатламли қоғознинг физик-механик хоссаларига таъсири даражасини тадқиқ қилиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал

Кўп қатлами қоғоз №2 (80% ПЦ ва 20% МПАН) намунасининг физик-механик хоссалари

№	Вариантлар / Параметрлар	№2 намуналари рақамлари			
		№2^{А} 1:2 да	№2^{Б} 1:3 да	№2^{В} 1:4 да	№2^{Г} АЭ да
1	Масса 1 m^2, g	150			
2	Қалинлик, mkm	219/207	230/208	221/224	230/227
3	Намлик, %	5,30/5,71	6,09/7,97	6,10/6,43	5,60/5,43
4	Силлиқлик, s	39/40	32/31	33/30	48/55
6	Куллилик, %	3,3/3,1	3,5/3,4	3,1/3,1	3,4/3,6
7	Бир томонлама намланишда шимувчанлик, (Кобб$_{60}$), g/m^2	80,1/81,2	76,1/75,1	71,6/71,4	91,9/99,1
8	Узилиш узунлиги, m	2842/2913	2440/2351	2512/2441	3241/3254
9	Синишга қаршилик, икки томонга буклашлар сони, и.б.с.	32/36	24/26	25/24	33/37
10	Ишқаланиб емирилишга қаршилик, kPa	365/372	154/131	125/115	365/362
11	Чўзилишга қаршилик, mH	270/274	171/174	168/171	211/201

3-жадвалда суратда 80% ПЦ ва 20% МПАН асосида умумий массага нисбатан 1,5% миқдорда елимловчи модда қўшилгандаги кўп қатламли қоғоз №2 намунасининг қийматлари, маҳражда 2% миқдорда елимловчи модда киритилгандаги қийматлар келтирилган.

Елимловчи моддаларнинг таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг сирт шимувчанлигига таъсири даражасини тадқиқ қилиш натижалари бўйича айтиш мумкинки, бу кўрсаткич бошланғич қийматга нисбатан пасаяди ва офсет босмада мазкур қоғознинг юзасида аниқ ва тўйинган нусха олиш учун 1:3 моль нисбатдаги ИПЭТ ва ДЭГ елимловчи моддасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3-расм).




3-расм. Елимловчи моддаларнинг таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг сирт шимувчанлигига таъсири

Кўп қатламли қоғоз композициясида кимёвий таркиби бўйича турлича ва ҳар хил нисбатдаги синтетик елимловчи моддалардан фойдаланиш ва натижаларни солиштирма таҳлил қилиш тадқиқ қилинаётган вариантлар орасида муқобилини танлаш ва уни асослашга имкон беради. АЭ дан фойдаланиш турли хилдаги толалар орасида боғларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва шу орқали қоғоз механик мустаҳкамлигининг ортишига олиб келади.

ИҚ спектроскопик тадқиқотлар қоғознинг компонентлари орасида ўзаро таъсирлашувнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилди (4-расм). Кўп қатламли қоғоз намуналарининг ИҚ-спектрлари Perkin Elmer фирмасининг System 2000 FT-IR спектрометрида 400-4000 cm^{-1} тўлқин узунликлари интервалида тадқиқ қилинди.

1450 ва 1430 cm^{-1} даги ютиш чизиқлари OH-гуруҳнинг деформацион ясси тебранишларига жавоб беради. Намуна №1 спектридаги 1429 cm^{-1} даги ютиш чизиғи метилен гуруҳининг қайчили тебранишларига мос келади. Намуна №2 спектрида бу тебранишга 1420 cm^{-1} чизиқ мос келади. Бу ютилиш чизиғи тадқиқотчилар томонидан кристаллилик чизиғи деб номланади (О'Коннор мезони), чунки аморфизацияда 1429 cm^{-1} да ютилишнинг сусайиши содир бўлади.



4-расм. Таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг ИҚ-спектроскопик кўрсаткичлари

1375 cm^{-1} даги ютиш чизиғи OH, CH боғларнинг деформацион тебранишларини ва CH_2 гуруҳларнинг елпиғичли тебранишларини тавсифлайди (одатда намуна №1 ва №2 учун бир хил интенсивликда). 1335 cm^{-1} да ютилиш O−H гуруҳнинг ясси ва деформацион тебранишларига мос келади.


3500 дан 3000 cm^{-1} гача бўлган кенг ютилиш чизиғи OH (ёки NH) гуруҳларга тааллуқли. Улар бу ютилиш чизиғини аниқлаб берувчи OH-

гуруҳларга нисбатан кучлироқ даражада водород боғларни ҳосил қилади. МПАН толаларга эга таркибларнинг спектрларида қуйидаги ўзгаришларни сезиш мумкин. Гидроксил гуруҳлар валент тебранишлари чизиғи 3414 cm^{-1} соҳадан юқори частотали соҳага тахминан 16 cm^{-1} га силжийди. 3500 cm^{-1} ва 3000 cm^{-1} ютилиш чизиқлари водород боғларга тааллуқли бўлиб, ютилиш чизиғининг кенгайиши водород боғлар миқдорининг ортишини кўрсатади. №1 намуна спектрида бу чизиқлар тор бўлиб, №2, №3 ва №4 намуналарда бу ютилиш чизиқлари кенг. Шу билан бир қаторда, №2, №3 ва №4 намуналарда водород боғ ютилиш чизиқларида қўшимча ютилиш чизиқлари пайдо бўлган. Бу ўзгариш водород боғ турининг ўзгаришини кўрсатади. Қўшимча ҳосил бўлган ютилиш чизиқлари МПАН таркибидаги юқори электроманфийликка эга бўлган N билан ҳосил бўлган водород боғ мавжудлигини кўрсатади. Бу намуналарда N–H–боғлар, карбоксил гуруҳларнинг ҳосил бўлишига ва молекулалараро водород боғлар тавсифининг ўзгаришини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг босма бўёқлари билан таъсирлашуви”** деб номланган тўртинчи бобида кўп қатламли қоғозларга босма бўёқларининг кўчиши жараёнлари ва босма нусхаларининг сифат таҳлили натижалари келтирилган.

Қоғознинг композицияси ва юзавий елимлашнинг тасвирларни ҳосил қилиш сифатига таъсири даражасини тадқиқ қилиш учун «Ғ.Ғулом» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ босмахонаси шароитида Ryobi 780-4 (Япония) варақли офсет босма ускунасида кўп бўёқли нусхалар босилди. Босма қолиплари Computer-to-Plate технологияси бўйича тайёрланди, бўёқларни босиш K, C, M, Y кетма-кетликда спиртли намлаш эритмасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Кўп бўёқли нусхалар микроскопик таҳлилдан ўтказилди, нусхалар юзасининг электрон микрофотосуратлари фрагментлари 5-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, қаттиқ босма қолипидан босишда композицион қоғоз юзасининг структураси нусхада босма бўёғининг бир текис тақсимланишини таъминлаган.



а б

5-расм. Кўп қатламли қоғозда босилган нусхалар электрон микрофотосуратларнинг фрагментлари: (а) ишлов беришга қадар ва (б) АЭ эритмаси билан ишлов беришдан сўнг (микрофотосуратлар 200 марта катталаштирилган)

Маълумки, нусхадаги босилувчи элементларнинг аниқлиги босилувчи материалнинг шимиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Шимиш хусусияти қоғоз ва картоннинг композицион таркиби ва структура тавсифномаларига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат тажрибаларда исботлаб берилган.

5-расм, а да ишлов берилмаган кўп қатламли қоғозда босилган нусхалар микрофотосуратлари фрагментлари келтирилган. Микрофотосуратларда растр нуқталарининг шакли ва ўлчами аниқ кўринмаган. Растр нуқталарининг ўлчами сезиларли сирпанишга эга, бу босилувчи элементлар ўлчамларининг ўзгаришига ва тасвирнинг градацион узатилишининг бузилишига олиб келган.

Нусханинг сифатини назорат қилиш учун оптик зичликни баҳолашга асосланган тасвирларни таҳлил қилиш услуби таклиф қилинди. Бу услуб нусхадаги бўёқ қатламини фоизларда ўлчашга, кулрангнинг ўртача даражасини, рангнинг бир текислиги ва интенсивлигини ўлчашга имкон беради. Мазкур ҳолатда босма хоссалари ГОСТ 24356 «Қоғоз. Босма хоссаларини аниқлаш услуби» га кўра стандарт услубият бўйича аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Кўп қатламли қоғозда босилган нусхаларнинг оптик зичликлари қийматлари

Қоғоз намуналари																
	№1				№2				№3				№4			
Нусхадаги бўёқ қатлами қалинлиги, mkm	1,0	1,4	2,2	2,3	0,9	1,2	2,0	2,1	0,8	1,2	2,1	2,0	0,7	1,1	2,0	1,9
Оптик зичлик, $D_{оп.пл.}$	1,4	2,0	2,6	2,8	1,6	2,5	2,7	3,0	1,2	1,5	2,4	2,7	1,2	1,4	1,9	2,5

4-жадвалдан кўриниб турибдики, бўёқ қатламининг қалинлигига боғлиқ ҳолатда тўртта қоғоз намунасида оптик зичлик қийматининг ўзгариши кузатилди, бунда №4 қоғоз намунасида бўёқ қатламиниг энг кичик қиймати 0,7 mkm га оптик зичликнинг 1,2 қиймати мос келади, №3 қоғоз намунаси учун бўёқ қатламининг қалинлиги 0,8 mkm бўлганда шу оптик зичликка эришилади.

Толали таркибнинг таъсирини тадқиқ қилиш учун тегишли майдонлар оптик зичлигининг босма сифатига таъсирини ўрганиш талаб қилинди. Спектрофотометр ёрдамида танлаб олинган тўққизта майдоннинг оптик зичлиги ўлчанди. Таққослаш учун танланган растр нуқталарининг нисбий майдонлари қийматлари 5-жадвалда келтирилган (намуна №2). Жадвалдан кўриниб турибдики, триада бўёқлари учун тоннинг ўсиши ISO 12647-2:2004 халқаро стандартининг меъёрлари чегараларидан чиқмайди.

5-жадвал

Танланган майдонлар оптик зичликлари қийматлари (намуна №2, ҳаворанг бўёқ)

Растр нуқталари-нинг нисбий майдони №	D_1	
	$D_{1офс.}$	$D_{1нус.}$
10	0,21	0,32
20	0,29	0,46
30	0,43	0,59
40	0,53	0,71
50	0,58	0,80
60	0,62	0,85
70	0,70	0,90
80	0,75	0,97
90	0,85	1,02
100	0,93	1,13

Бўёқни кўчириш жараёнини моделлаштириш учун IGT моделидаги синов нусхасини босиш қурилмасидан фойдаланилди. Нусхадаги бўёқ қатламининг қалинлиги $h_н$ қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$h_H = \frac{M_1 - M_2}{S \cdot d} \cdot 10^4 \, [mkm] \qquad (2)$$

бу ерда M_1 – босишдан олдин босма қолипининг бўёқ билан бирга вазни, g; M_2 – босишдан кейин босма қолипининг вазни, g; S – босилган нусханинг майдони, ўлчами 21x5 cm; d – бўёқнинг зичлиги, 1 g/m^3 қабул қилинди.


6-жадвал

Бўёқ кўчириш жараёнини моделлаштириш натижалари

Тажриба қоғози, ≈150 g/m^2	M_1 Босишга қадар бўёқ суртилган валикнинг вазни, g	M_2 Босишдан кейин валикнинг вазни, g	$К_{пер}$ Қоғозга ўтган бўёқ, g (бўёқ кўчириш)	Оптик зичлик	
				D	h
Намуна №1	129,249	128,954	0,295	2,06	28,09
Намуна №2	129,251	129,008	0.243	1,96	23,14
Намуна №3	129,257	129,018	0,239	1,93	22,76
Намуна №4	129,250	129,049	0,201	1,75	19,14

Олинган маълумотлар (6-жадвал) шундан далолат берадики, босилувчи материалларнинг структура кўрсаткичлари ва оптик кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Босма ускунада босилган нусхалар Techkon Spectro Dens Basic B102051 русумли спектрофотометрда баҳоланди ва натижалар 6-расмда келтирилган. Ранг координаталари қийматлари бўйича тегишли формулалар ёрдамида рангдорлик координаталари ҳисобланди.



6-расм. XYZ диаграммасида ранг координаталари

Шакл ичидаги кўпбурчаклар бир-бирига яқин, лекин №1 тажрибавий қоғозида энг катта ранг қамрови олинган, кейин №2, №3 ва №4 қоғозлари ранг қамровининг камайиб бориши тартибида жойлашади.

Тадқиқотлар давомида нусханинг юзасида бўёқ қатламининг тақсимланишини ҳисоблаш, тажрибавий қоғозларда бўёқ қатламининг қалинлигини баҳолаш бўйича статистик таҳлил амалга оширилди.

Жараён параметрларининг барқарорлиги сақланиб қолган ҳолда фақат қуйидаги факторлар кўриб чиқилди: қоғознинг оқлиги ва силлиқлиги. Турли факторларнинг босма маҳсулотга бўёқнинг ўтиши $K_{пер}$ га мажмуавий таъсирини аниқлаш учун тажрибани математик режалаштириш услуби қўлланилди. Кириш параметрлари (факторлари) сифатида қуйидагилар қабул қилинди: x_1 – оқлик $W(\%)$ ва x_2 – силлиқлик $G(s)$. Факторларни вариациялаш даражалари ва интервалларини 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Факторларни вариациялаш даражалари ва интервалларини

№ п.п.	Факторлар	Кодли белгиланиши	Вариациялаш интервалларини	Факторларнинг даражалари		
				тепа +1	асосий 0	пастки -1
1	Оқлик, %	x_1	10	60	50	40
2	Қоғознинг силлиқлиги, s	x_2	25	70	45	20

Тегишли ҳисобларни амалга ошириш асосида босма маҳсулотларига бўёқ ўтишини тадқиқ қилишда $К_{пер}=34,5+0,175W+0,05G$ тенгламадан қоғознинг оқлиги ва силлиқлигининг рационал қийматларини аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди (8-жадвал).


8-жадвал

Қоғознинг силлиқлиги ва оқлигига боғлиқ ҳолда бўёқ ўтишининг ўзгариши

W	G	$К_{пер}$	W	G	$К_{пер}$
40	20	42,5	60	20	46
	45	43,25		45	47,25
	70	45		70	48,5

G	W	$К_{пер}$	G	W	$К_{пер}$
20	40	42,5	70	40	45
	50	44,25		50	46,75
	60	46		60	48,5

Бўёқ намунанинг силлиқ юзасида тақсимланганда $К_{пер}=К_{пер}(max)$ (бўёқ деярли тўлиқ равишда қоғознинг юза қатламларида тақсимланади, юза микрорельефининг ботиқликларини тўлдиради) босилувчи материал намунасининг бўёқ қабул қилишини баҳолашнинг математик моделини олиш учун бўёқ ўтишининг силлиқлик ва оқликка боғлиқлиги графиклари қурилди (7- ва 8-расмлар).




7-расм. Силлиқликни вариациялашда бўёқ ўтишини график моделлаштириш

Расм ва жадвалдан кўриниб турибдики, бўёқ ўтиши қийматлари бўйича қоғознинг жойлашув тартиби қоғознинг силлиқлигига боғлиқ тарзда ўзгаради. Қоғознинг силлиқлиги бўёқнинг нусхаларда қуришига ҳам таъсир кўрсатади. Силлиқлиги юқорироқ қоғозларда бўёқнинг шимилиш чуқурлиги камроқ

бўлади, шунга мувофиқ, нусханинг оптик зичлиги юқори бўлиши эҳтимоли юқори. Бунда бўёқ қоғознинг фақат юзасини ёпади ва тор чуқурликларга кирмайди.

Нусхани олишда қоғозга кўчирилган ($К_{пер}$) бўёқнинг нисбий миқдори асосан қоғознинг бўёқ билан контакти самарали юзасининг қийматига боғлиқ бўлади.



8-расм. Оқликни вариациялашда бўёқ ўтишини график моделлаштириш

$К_{пер}$ нинг ўсиши иккала эгри чизиқ учун ҳам умумий ҳисобланади, у нафақат қоғоз юзасининг микрогеометриясига, балки қоғознинг оқлигига ҳам боғлиқ.

Олинган натижаларни таҳлил қилиш шундай хулоса чиқаришга имкон беради, қоғоз оқлигининг оширилиши хроматик рангларнинг интенсивлиги ва тўйинганлигини оширади. Бу бўёқ қатламининг қалинлиги камроқ бўлгани ҳолда талаб қилинадиган оптик эффектга эришишга имкон беради. Силлиқлик 70 сония ва қоғознинг оқлиги 60% бўлганда офсет босма усулида оптимал бўёқ ўтиши $К_{пер}$=48,5 га эришилди. Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш берилган босиш режимларида, яъни силлиқликнинг 40 сониядан кам бўлмаган қийматларида сифатли босма нусхаларини олишга хизмат қилади. Бундай силлиқликка эришиш учун қоғоз қуйишда композицион таркибни ўзгартириш ёки қоғоз ишлаб чиқариш технологик режимларини ўзгартириш талаб қилинади.

Офсет босма хусусиятлари тавсифномаларини баҳолашнинг тавсия қилинаётган ёндашуви бўёқ қабул қилувчи юза билан ўзаро контактли таъсирлашув жараёнида кўчириладиган босма бўёғининг миқдорини бошқаришга имкон беради.

1,0 тонна тажрибавий ўрам қоғозлари ва картонларини ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик композиция таркибига толали чиқиндиларни қўшиш ҳисобига эришиладиган тежамкорлик ва табиий хомашёнинг тежалишидан иборат бўлади ва 6 697 500 сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

«Таркибида синтетик толалар мавжуд кўп қатламли қоғоз ва картоннинг босма хоссалари» мавзусидаги диссертация ишини бажариш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Кўп қатламли ўрам турлари учун маҳаллий чиқиндиларидан ПЦ, СТЧ, елимловчи моддалар ва тўлдирувчилар асосида қоғоз ва картон олиш технологияси ишлаб чиқилди.

2. Қоғоз композициясида елимловчи модда сифатида иккиламчи полиэтилентерефталатнинг диэтиленгликоль билан алкоголизи (1,5%) дан фойдаланиш йўли билан тажрибавий қоғоз ва картонларнинг мустаҳкамлик хоссаларини ошириш ечимлари топилди. Коғоз юзасининг бир турли тузилмаси ҳосил бўлиб, механик мустаҳкамлиги 20-30 фоизгача юқори кўрсаткичларга эга бўлган қоғоз ва картон олинди.

3. Кўп қатламли композицион қоғоз ишлаб чиқариш учун қўшимча тарзда полимерли елимловчи модда билан юзавий елимлаш жараёнининг қўлланилиши натижасида қоғоз юзаси структурасининг яхшиланиши, механик мустаҳкамлик ва намликка чидамлилигининг ортиши, ранг тавсифномалари, нусханинг оптик зичлиги, бўёқ қабул қилишга ижобий таъсири аниқланди.

4. Қоғоз массасига 50 фоизгача МПАН чиқиндилари қўшилган тажрибавий қоғозларни варақли офсет босма учун тавсия қилинди. Тажрибавий қоғозларда аниқланган барча физик-механик ва босма хоссалар меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериб, сифатли босма нусха олишга хизмат қилади.

5. Композицион кўп қатламли қоғоз ва картоннинг юза қатламига ишлов бериш ёрдамида қоғоз массасининг таркибида иккиламчи МПАН чиқиндиларининг миқдорини 20 фоиздан 50 фоизгача ошириш имконияти тажрибилар асосида аниқланди.

6. Босма хоссаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, силлиқлик 70 сония ва оқлик 60 фоиз бўлганда композицион кўп қатламли қоғозда растр линиатурасининг бир хил қийматларида офсет қоғози қийматларига яқин бўлган оптик зичликка эришиш мумкинлиги аниқланди.

7. Математик моделлаштириш асосида қоғознинг бўёқ билан таъсирлашиши натижасида силлиқлик ва оқлик хоссаларининг босилган нусха сифатига боғлиқлик таъсири аниқланди. Силлиқлик 40 сония ва оқлик 60 фоиздан кам бўлмаган қийматларида сифатли, юқори аниқликдаги босма нусхаларини олиш имконияти кўрсатилди.

8. Тадқиқотлар натижаларининг ўраш-қадоқлашга мўлжалланган қоғоз ва картонларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарда жорий қилиниши маҳаллий хомашёлар асосида кўп қатламли ўрам қоғозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради. 1,0 тонна тажрибавий ўрам қоғозлари ва картонларини ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик композиция таркибига толали чиқиндиларни қўшиш ҳисобига эришиладиган тежамкорлик ва табиий хомашёнинг тежалишидан иборат бўлади ва 6 697 500 сўмни ташкил қилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019.T.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

ДЖАЛИЛОВ АНВАР АБДУГАФАРОВИЧ

ПЕЧАТНЫЕ СВОЙСТВА МНОГОСЛОЙНОЙ БУМАГИ И КАРТОНА, СОДЕРЖАЩИХ СИНТЕТИЧЕСКИЕ ВОЛОКНА

05.02.03 - Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические системы

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T736

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Ешбаева Улбосин Жамаловна** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Бахадиров Гайрат Атаханович** доктор технических наук, профессор
	Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	**Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «26» июля 2021 года в 14^{00} часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 104). Адрес: 100100, г.Ташкент, ул. Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «13» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 104 от «13» июля 2021 года).

И.К.Сабиров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.З.Маматов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.А.Бабаханова
Заместитель председателя научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование энерго- и ресурсосберегающих технологий при производстве целлюлозно-бумажной и картонной продукции занимает ведущее место. В мировом масштабе ежегодно производится свыше 400 млн тонн бумаги и картона. К 2025 году ожидается увеличение этого объема до 493 млн тонн. Прогнозируется рост спроса на целлюлозу на 1,4 процента, годовой рост упаковочных материалов и употребление бумаги на 2,9 процентов. К 2030 году общий рост потребления целлюлозной и бумажной продукции составит 132 млн тонн. В связи с этим, важным является поиск новых источников сырья при производстве продукции, изучение печатных свойств получаемых на их основе бумаг и использование возможностей их применения в полиграфической промышленности.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на расширение ассортимента конкурентоспособной продукции в производстве целлюлозно-бумажной и печатной продукции, производство экологически чистой продукции с использованием местного и натурального сырья, применение новых видов сырья и инновационных технологических решений, улучшение качества и снижение расхода сырья. В этой связи, в полиграфической промышленности, в силу повышения требований к таро-упаковочной продукции, особое внимание уделяется проведению широкомасштабных научных работ по разработке новых видов материалов, постепенному усовершенствованию свойств новых видов упаковочной бумаги и картона.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по внедрению новых видов сырья в производство, снижению себестоимости продукции за счет использования местного сырья, обеспечению внутреннего рынка импортозаменяющей продукцией за счет производства и повышения конкурентоспособности новых видов упаковочных бумаг и картона для упаковки и получены определенные результаты. Стратегией действий по пяти приоритетным направлением развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах ставится задача, как «…повышение конкурентоспособности национальной экономики, сокращение энергоёмкости и ресурсоёмкости экономики, широкое внедрение в производство энергосбережающих технологий…»[1]. При выполнения этой задачи является важным усовершенствование технологии получения многослойной композиционной бумаги и картона для таро-упаковочной продукции с использованием отходов местного производства, изучение процессов при формировании бумажного полотна, научное обоснование закономерностей взаимодействия различных волокон между собой и с полимерами, красками при печатании.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3244 от 25 августа 2017 года «О создании в республике дополнительных мощностей по производству целлюлозы и бумажной продукции», № ПП-4640 от 16 марта 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию издательской и полиграфической сферы» и в Указе № УП-5653 от 02 февраля 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационной сферы и массовых коммуникаций», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Зарубежом исследованиям теории и технологии проклеенных видов бумаги и картона занимались такие ученые, как Я.В. Казаков, Н.В. Черная, Вурстер, Джайме, М.П. Кайзер, С.Н. Иванов, A. Penkin, А.В. Вураско, А.Я. Агеев, Н.П. Мидуков, K. Mohamedzadeh-Saghavaz, A. Resalati, Э.Л. Аким и др. В области производства и изучения синтетической и композиционной многослойной бумаги можно привести научные работы ученых, как М.В. Коваленко, Л.Г. Махотина, И.В. Лавров, Д.М. Фляте, Quan Xiao Liu, P.M. Shallhorn. Эти работы посвящены научным исследованиям в области получения бумаг различного назначения из ароматических полиамид фенилон и номекс, полиэфир, полипропиленов, смеси гидратцеллюлозы и поливинилспирта, углерода и других волокон.

В нашей республике исследования по разработке новых видов бумаг с использованием вторичных целлюлозных материалов и отходов текстильного производства выполнены такими учеными, как Х.А. Алимовой, Х.А. Бабахановой, Р.Г. Рахманбердиева, М. Примкулова и др. Исследования включали производство бумаги с использованием отходов натурального шелка, производство бумаги на основе целлюлозы из однолетних растений, местных древесных растений, топинамбура и корня солодки.

В проведенных работах недостаточно проведены исследования по использованию хлопковой целлюлозы с добавлением отходов синтетических волокон и вторичных волокон при изготовлении композиционной многослойной бумаги и картона, влиянию композиции на физико-механические и печатно-технические свойства.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского института текстильной и легкой промышленности по прикладным проектам ИТД-3-08 «Разработка получения бумаги из различных видов целлюлозы местного происхождения для целлюлозно-бумажной и полиграфической промышленностей Республики

Узбекистан» (2012-2014) и ВА-ОТ-А3-05 «Совершенствование технологии получения бумаги из вторичных волокнистых материалов для целлюлозно-бумажной и полиграфической промышленностей Республики Узбекистан» (2017-2018).

Целью исследования является усовершенствование печатных свойств многослойной бумаги и картона, содержащих синтетические волокна для использования в полиграфической промышленности.

Задачи исследования:

совершенствование технологии получения различных многослойных композиционных упаковочных видов бумаги и картона;

исследование закономерности влияния композиции многослойной упаковочной бумаги на ее физико-механические свойства;

анализ влияния синтетических полимеров для проклейки на свойства многослойных композиционных упаковочных видов бумаги и картона;

